



“ 1 ” ноя 2019 й.

№ 2214

Янгибозор шаҳарчаси

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоративтехникаларни шунингдек машина-трактор парклари устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли қарорининг 4-иловаси билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 апрелда 2452-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”нинг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013й, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда –Техника деб юритилади) йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бош прокуратура ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Янгибозор туман бўлимининг катта инспектори (А.Маткаримов) тумандаги тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзи юрар машиналарини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб, доимий рўйхатдан ўтган техникаларни йиллик техник кўриқдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва туманда агроинспекциянинг техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаинспекторидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини;

- техник кўриқдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1-иловага;

- тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва кўрсатилган муддатларда техник кўриқдан ўтказилсин.

3. Техник кўриқдан ўтказувчи туман комиссиясига:

- мулкчилик шаклидан қатъий назар барчарусумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги жадвални юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

- техник кўриқдан носоз деб топилган ва техник кўриқка умуман тақдим этилмайдиган техникалар эгаларига муросасиз бўлиш, йиғилган материалларини белгиланган тартибда тегишлича чора кўриш;

-техник талабга жавоб бермайдиган техник посоз техникаларни ишлатишни катъиян ман қилиш;
- техник кўрик давомида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи-машинистнинг тегишли техникани бошқариш учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлиги, техникаларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги ва бошқа техник талабларни амалга ошириш;
- техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Тумандаги хизмат кўрсатувчи барча фермер хўжаликлари раҳбарлари, корхона, ташкилот, тижорат банклари раҳбарлари ва маҳалла фуқаро раисларига:
- ҳисобида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, асбоб-ускуналарни техник кўриқдан ўз муддатида ўтказиш учун тайёрлаб, белгиланган майдончаларга йиғиш;

- техник кўриқдан ўтказилган ҳар бир техника учун ундириладиган йиғимни энг кам ойлик иш ҳақининг;

- тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив, йўл қурилиш ва ўзи юрар шассиларига 18 фоиз;

- қишлоқ хўжалик техникаларига 10 фоиз;

- машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналари 37 фоизи миқдорида давлат бюджетига тўлашни таъминлаш;

-тракторчи-машинистларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда уларнинг тиббий маълумотномаларини комиссияга тақдим этиш;

- ҳар бир маҳалла раисларига ўз ҳудудидаги шахсий техникаларни техник кўриқдан ўтишини ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

5. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи А.Рамазановга:

-тумандаги фермер хўжаликлари, ташкилот, машина-трактор парки очик акциядорлик жамияти, муқобил машина-трактор парклари, хусусий корхоналар ва фуқароларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, асбоб-ускуналарни йиллик техник кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимларни тўлашга амалдаги тартибларга асосан амалий ёрдам бериш топширилсин.

6. Ушбу туман ҳокимининг қарорини туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш чоралари кўрилсин.

7. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 15 февралдаги 582-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Мазкур қарор туман ҳокимлиги нашри бўлган “Янгибозор кўзгуси” газетасида эълон қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Г.Жуматов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Handwritten signature of U. Masharipov

Ў.Машарипов.